

**Мавзу:
КИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯШАЙДИГАН
ФУКАРОЛАРНИНГ ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ЕРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИ
РЕЖА:**

- 1. Қишлоқ жойларда яшайдиган фукароларнинг
ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш
ҳуқуқларининг умумий тавсифи.**
- 2 .Қишлоқ жойларда яшайдиган фукароларга
якка тартибда уй жой куриш учун берилган ер
участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод
эгалик қилиш ҳуқуқи.**
- 3. Дехқон хўжалигини юритиш учун мерос
қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи.**

Дехқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкаларини бериш (реализация қилиш) тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунида батафсил ёритилган.

Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қиласи.

Деҳқон хўжалиги оилавий майда
товар хўжалиги бўлиб, оила
аъзоларининг шахсий меҳнати асосида,
мерос қилиб қолдириладиган умрбод
эгалик қилиш учун оила бошлиғига
берилган томорқа ер участкасида
қишлоқ хўжалиги маҳсулоти
етиштиради ва реализация қиласи.

Томорқа ер участкаси - қишлоқ хұжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила әхтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод әғалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир. Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод әғалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод әғалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувохлантирилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг, бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотлари ҳар бир ходимиининг оиласига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига дехқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса-суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Дехқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкаларининг ўлчамлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб белгиланади. Дехқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман ҳокими томонидан қабул қилинади.

Фуқароларга дехқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Дехқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаларига эга бўлмаган ёки ушбу қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ҳамда ташкилотида белгиланганидан кам ўлчамдаги томорқа ер участкасига эга бўлган фуқароларга ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг эгалигидаги ёки фойдаланишидаги ерлардан белгиланган нормалар доирасида якка тартибдаги полизчилик учун фойдаланишга қўшимча ер участкалари берилади.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда у давлат рўйхатига олинганидан ва унга белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади. Ер участкаси бериш тўғрисидаги ариза сўралаётган ер участкасининг жойлашган ери, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиш кўрсатилган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг иш берувчисига (маъмуриятига) берилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқаруви, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилотининг иш берувчиси (маъмурияти) деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш имконияти тўғрисидаги хulosани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда тайёрлайди. Мазкур хulosса асосида қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий мажлиси, бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси, ташкилотининг ваколатли органи деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида илтимоснома билан туман ҳокимига мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қиласди.